



БОЖХОНА ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ БУЗИШНИНГ СУБЪЕКТИВ БЕЛГИЛАРИ

Ахмедов Улуғбек Алиқулович

ТДЮУ мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6339673>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi:17-fevral 2022

Ma'qullandi:22-fevral 2022

Chop etildi:27-fevral 2022

KALIT SO'ZLAR

Божхона, қонун,
хужжатлар, бузиш,
жиноят, жазо,
товарлар, айирбошлаш,
давлат, божхона
хизмати.

ANNOTATSIYA

Мазкур мақолада божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш тушунчаси, жиноят-ҳуқуқий тавсифига доир масалалар баён этилган. Шунингдек, унда божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларига таъжовуз қилишининг бир тури эканлиги ва ушбу шароитга мослашувчан бўлиб, турли кўринишларда номоён бўлиши ҳам таъкидланган.

Бундан ташқари, мазкур мақолада божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш тушунчаси, жиноят-ҳуқуқий тавсифини такомиллаштириш юзасидан ҳам тегишли тавсиялар берилган.

Жиноятларни тўғри баҳолаш ва квалификация қилишда хатога йўл қўймаслик учун жиноятнинг субъектив томонини чуқур тадқиқ этиш лозим.

Ушбу жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахсдир. Айбсиз равишда зарарли оқибатлар етказганлик учун, ҳукм қилиш шунингдек айбнинг шакли тўғрисида нотўғри хулоса қилиш, жиноятнинг мотиви ва мақсадини аниқлашда хатога йўл қўйиш сабабли қилмишни нотўғри квалификация қилиш, фактлари, шунингдек ҳуқуқбузар айбининг

даражасига номувофиқ жазо тайинлаш ҳолларининг учраши ҳам кам эмас.

Жиноий жазони қўллаш учун шахснинг ҳуқуққа хилоф қилмиш содир этганлиги фактини исботлаш, шунингдек шахс айбли равишда ҳаракат қилганлигини аниқлаш зарур. Бунда, авваломбор, шахсни ўзининг ҳуқуққа хилоф ҳулқ-атвори ва унинг оқибатларига нисбатан руҳий муносабатини аниқлаш зарурлиги келиб чиқади. Шахснинг содир этилган ижтимоий хавfli қилмишига нисбатан руҳий муносабатини билдирадиган асосий белгилар жиноятни субъектив томонининг мазмунини ташкил этади. Айб – шахсни



содир этилган қилмиш учун жиноий жавобгарликка жалб этишнинг асосий ташкил этувчи тушунчадир.

Шундай қилиб, жиноят ҳуқуқида айб – шахс томонидан содир этилиб, жиноят қонунида назарда тутиладиган ва тегишли шакллар билан белгиланадиган ижтимоий хавфли қилмишига нисбатан руҳий муносабатидир.

Қасд ўз мазмунига кўра интеллектуал ва иродавий моментларнинг муайян бирикмасини ташкил этади, уларни ўзаро алоқадорлигини ифодалайди. Тўғри қасднинг интеллектуал ва иродавий моментларини кўриб чиқишда божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузишнинг таркиби формал таркиб қаторига киришини ёдда тутиш керак, шунинг учун эгри қасд мавжуд бўлиши истисно этилиши билан бирга тўғри қасддан иродавий элементи қилмишнинг оқибати билан эмас, балки қилмишнинг ўзини содир этиш билан боғлиқ бўлади. Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузишда тўғри қасднинг интеллектуал моменти, бизнинг фикримизча, шахснинг содир этилаётган қилмишнинг ижтимоий хавфли хусусиятини англашида ифодаланади, бу эса қилмишнинг барча объектив фактик ҳолатлари ва унинг ижтимоий хусусияти – содир этилаётган қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини англашини билдиради.

Тўғри қасдни интеллектуал пайтининг мазмуни, шунингдек жиноят таркибининг (божхона ва бошқа ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиш, ўтказилаётган товарлар ва бошқа қимматликларни хуфя жойларда яшириш ва бошқалар) объектив томонини ташкил этувчи фактик ҳолатларнинг хусусиятини ва уларнинг ижтимоий хоссаларини англашини тақазо қилади. Айбдорнинг товар ёки бошқа

қимматликларни божхона чегарасидан ўтказишнинг ғайриқонунийлигини, божхона назорати тўғрисидаги қоидаларни бузишни англаши тўғри қасднинг интеллектуал пайти мазмунига кириши керак¹.

Тўғри қасднинг иродавий пайти айбдорнинг бу ҳаракатларини яъни, товар ва бошқа қимматликларни ғайриқонуний равишда божхона чегарасидан ўтказиш истагида муҷассам бўлади.

Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузишда қасднинг мавжуд бўлиши учун айбдор нафақат жиноятнинг объектив томонини ташкил этувчи амалдаги ҳолатларни, балки уларнинг ижтимоий хоссаси - қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги, жиноят объектининг хусусиятини ҳам англаши лозим.

Ижтимоий хавфлиликини англаш, қилмиш ижтимоий ва аввалом бор, иқтисодий муносабатларга зарар етказилаётганлиги ёки зарар етказиш хавфини туғдираётганлигини англашдан иборат².

Биз томонимиздан ўрганиб чиқилган 50 га яқин жиноят ишлар материалларидан, божхона қонунларини бузиш асосан ғараз мотивлар билан содир этилиши маълум бўлган, лекин бошқа мотивлар ҳам бундан мустасно эмас. Масалан, 92% ҳолатларда тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ғараз мотивлар билан содир этилган, 1%да жиноят хизмат кўрсатиш мақсадида содир этилган, 3%да эса нотўғри тушинилган ўртоқлик бурчи

¹Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Т.1. Умумий қисм. Жиноят тўғрисида таълимот: Дарслик. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. –Б.190.

²Усмоналиев М. Бакунов П. Жиноят ҳуқуқи: Умумий қисм: Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. –Б.296.



туйғуси мотиви билан содир этилган. Бунда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, ўз оиласини боқиш, божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаш ва бойиш мотивлари, яъни жиноятдан олинаётган даромадларнинг айбдорнинг фойдасига қолиш ҳоллари ғараз мотив тушунчасининг ичига кириб кетади.

ЖКнинг 182-моддада назарда тутилган жиноят кўпинча, ғараз матив остида қалбакилиги олдиндан аён бўлган ҳужжатлардан фойдаланадилар ёки ҳужжатларга сохта маълумотлар киритиш орқали содир этилади. Бундай ҳолатда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 6 сентябрдаги 18-сон “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 12-бандига кўра, ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, уни божхона органларига ҳақиқий ҳужжат сифатида тақдим этган шахсҳаракатлари ЖК 182-моддаси билан квалификация қилинади ва қўшимча равишда 228-моддаси билан квалификация қилишни талаб қилмайди³.

Аммо Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми тушунтиришида айти шундай ҳаракат мансабдор шахс томонидан содир этилган тақдирда қилмиш қандай квалификация қилиниши лозимлиги аниқлаштирилмаган.

Бу эса, амалиётда қонунни турлича талқин қилишга сабаб бўлади. Жумладан, аксарият ҳолларда шундай қилмиш

ЖКнинг 182 ва 209-моддалари бўйича жиноятлар жами тариқасида квалификация қилинишига, аксарият ҳолларда эса, ЖКнинг 182-моддаси иккинчи қисми “г” банди бўйича квалификация қилиш ҳолатини юзага келтриши муқаррар. Зотан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан ушбу масалага аниқлик киритилиши лозим эди.

Амалиётда юзага келадиган ушбу муаммони бартараф этиш, айти бир тусдаги қилмишларга жавобгарлик масаласида бир хил ёндашувни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 6 сентябрдаги 18-сон “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 12-банди иккинчи хатбошини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

“Ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, уни божхона органларига ҳақиқий ҳужжат сифатида тақдим этган шахс ҳаракатлари ЖК 182-моддаси билан квалификация қилинади ва қўшимча равишда 228-моддаси билан квалификация қилишни талаб қилмайди. Худди шундай қилмиш мансабдор шахс томонидан содир этилган тақдирда унинг ҳаракатлари ЖК 182-моддаси иккинчи қисми “г” банди билан квалификация қилинади ва қўшимча равишда 209-моддаси билан квалификация қилишни талаб қилмайди”.

Божхона қонунларини бузишда айбнинг даражаси жиноий ҳаракат оқибатларига боғлиқ. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, айбнинг даражаси ўз ичига оқибатларни кўра билиш хусусияти ва ҳажми, жиноятни содир этишдаги

³³ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 6 сентябрдаги 18-сонли “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори. 4-банд.// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 3(1)-сон, 31-модда.



қатъиятлик, жиноят содир этиш мотиви ва мақсадини ўз ичига олувчи руҳий фаолият мазмунига ҳам боғлиқ.

Жиноят таркибининг субъектив томони мазмунан фақат айб билан эмас, балки ҳам мотив, ҳам мақсад билан белгиланади.

Г.Саркисов: “Жиноят мотиви – ижтимоий хавfli ва жиноий жазога сазовор бўлган қилмишни содир этишга ундайдиган талаблар, манфаатлар таъсири остида шаклланган субъект шахсининг криминоген хоссалари, у мавжуд бўлган объектив вазият кўринишидаги хулқ атворни руҳий тартибга солиш элементлардан биридир. Жиноят мақсади ҳам хулқ-атворни тартибга солувчи элемент бўлиб, мотивга мувофиқ келувчи ва эришиш мақсадида содир этиладиган қилмишнинг субъект томонидан хаёлан тасаввур қилинадиган ҳамда истаган натижасининг «моделли» кўринишида номоён бўлади. Агар жиноят мотиви рағбаилантирса, мақсад - субъектни айнан ыша натижага эришишга йўналтиради унинг мазмуни, моҳиятини ташкил этади”⁴.

Амалда кўп ҳолларда божхона қонунларини бузишда жиноятнинг мотиви ва мақсади ғараз ниятлар, моддий манфаатдорлик, ғайриқонуний йўл билан бойиш билан шартланган бўлади.

Айни пайтда бу жиноий қилмишни ёрдамчилар томонидан ғараз мотив ва мақсадсиз, масалан, ёрдам беришга интилиш, нотўғри тушунилган ўртоқлик бурчи асосида ҳам содир этилиши мумкин.

Амалиёт, жиноят одатда чет элга доимий яшашга чиқиб кетган шахслар, уларнинг яқин атрофдагилари, Ўзбекистонда қолган қариндошлари, танишлари, шахслардан ташкил топадиган

жиноий гуруҳлар томонидан содир этилади. Кўрсатилган шахслар мамлакатни ташлаб кетиш мақсадида ҳаракат қиладилар, бундан олдин эса, одатда, улардан мавжуд бўлган қимматликларни чет элдаги қариндошлари ёки танишларига ўтказишга ҳаракат қиладилар. Айрим ҳолларда жиноятчилар, чет элга жўнатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қимматликларни излаш билан шуғулланадилар ва шу билан чет элга доимий яшашга чиқиб кетганларидан кейин ўз хаётларини моддий таъминлаш учун бойлик тўплайдилар.

ЖК 182-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этишда айбдор шахслар қилмишининг ҳақиқий матив ва мақсадларини аниқлаш катта аҳамиятга эга, чунки улар жазо чорасини белгилашда инобатга олиниши керак. Алоҳида ҳолларда ғараз мақсадининг бўлмаслиги бошқа ҳолатлар билан бириккан ҳолда шартли ҳукм қилиш ёки энг камидан ҳам кам жазо тайинлаш ёхуд шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлиши мумкин.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси бўйича божхона қонунларини бузиш учун жавобгарликка тортилади, яъни улар учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган. Тўғри қасд шаклидаги айбни аниқлаш, кўрсатилган ҳаракатларни товарларни декларация қилмаслик ёки бошқа ном билан декларация қилиш белгиси бўйича ЖК 182-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этиш сифатида квалификация қилиш учун етарли эмас.

Ҳуқуққа хилоф қилмишларни ЖК 182-моддаси бўйича квалификация қилиш учун жиноят таркиби объектив томонининг ҳуқуққа хилоф қилмиш ва келиб чиққан ижтимоий хавfli (зарарли) оқибатлар

⁴ Саркисов Г.С. Мотив и цель преступления. // Государство и право, 2009, № 3. – С. 78-83.



ўртасидаги, жумладан декларация қилмаслик ёки бошқа номга декларация қилиш ва товарларни божхона чегарасидан ўтказиш ўртасидаги сабабий боғланиш бўлиши ҳамда иқтисодий зиён келтириб чиқариши зарурий белгиси сифатида мавжуд бўлиши керак.

Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жинояти содир этишда асосан, шахс томонидан товарлар ва транспорт воситаларини божхона назоратидан яшириб ўтказишдан мақсад аввломбор, ушбу товарлар ёки транспорт воситалари учун тўланиши лозим бўлган давлат божи тўлашдан қочишга уринишади. Шунинг эътиборга олиш кераки, шахс томонидан

бу жиноятни содир этишда мақсад айрим ҳолларда, иқтисодий зарар етказиш эмас балки шахсий манфаатини ўйлаган ҳолда содир этилади.

Амалиётда божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузган шахсга, у олиб кирмоқчи бўлган ёки олиб чиқиб кетмоқчи бўлган товар ва бошқа қимматликлар олиб қўйилади ва жавобгарликка тортилади. Бугунги кунда, жиноят қонунчилигини либераллаштириш жараёнида бу каби ҳолатлар жиноят қонунчилигининг адолат ва инсонпарварлик принципларига мос келмайди.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. М.Х.Рустамбаев. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. – Тошкент: “Yuridik adabiyotlar publish”, 2021. –Б.527.
2. Коробоева А.И. и Чучаева А.И., пер. С китайского проф. Хуан Даосю. Уголовный кодекс Китая. – М.: ООО «Юридическая фирма контракт», 2017. – 98-102 б.
3. www.legislationline.org/documents/section/criminal-codes/usa_criminal_code.pdf
4. [www.legislationline.org/documents/section/criminal-codes/Swiss Criminal Code of 21 December 1937 \(Status as of 1 January 2014\) The Federal Assembly the Swiss Confederation, based on Article 123 paragraphs 1 and 3 of the Federal Constitution, and having considered a Federal Council Dispatch dated 23 July 1918.](http://www.legislationline.org/documents/section/criminal-codes/Swiss_Criminal_Code_of_21_December_1937_(Status_as_of_1_January_2014)_The_Federal_Assembly_the_Swiss_Confederation,_based_on_Article_123_paragraphs_1_and_3_of_the_Federal_Constitution,_and_having_considered_a_Federal_Council_Dispatch_dated_23_July_1918)
5. <https://constitutions.ru/?p=5854>
6. <https://constitutions.ru/?p=5854>
7. Отажонов А. Иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни такомиллаштириш: Докторлик диссертацияси автореферати. – Тошкент. 2016 й. – Б. 95.
8. Сучков Ю.И. Защита внешнеэкономической деятельности Российской Федерации по уголовному законодательству (проблемные аспекты теории и законодательства). Дисс. докт. юрид. наук. – СПб, 2008. – С.39.
9. Волженкин Б.В. Преступления в сфере экономической деятельности по Уголовному праву России. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2007. – С.182.
10. Чучаев А.И. Таможенные преступления в новом УК РФ / Чучаев А.И., Иванова С.Ю. // Государство и право. 2009. №11. – 41-43-с.
11. Шубина В. Ю. Институт пособничества в совершении преступления: уголовно-правовой и криминологический аспекты: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Краснодар, 2012.; Агапов П. В. Основы противодействия организованной преступной деятельности: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – М., 2013; Безбородов Д. А. Методологические основы учения об



- уголовной ответственности за совместное преступное деяние: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – СПб., 2012.
12. Jonathan Herring. Criminal law: text, cases, and materials / Oxford, United Kingdom; New York: Oxford University Press, [2014] – P.936.
 13. Рустамбаев А. М. Совершенствование уголовного законодательства и правоприменительной практики по борьбе с групповыми формами преступности: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Тошкент, 2010 й. –Б. 120.
 14. Markus D. Dubber and Tatjana Hцrnle. The Oxford handbook of criminal law / Oxford, United Kingdom; – New York, Oxford University Press, 2014. – P.120.
 15. Jackson Miles. Complicity in international law / Oxford University Press, 2015. – P.238.
 16. Отажонов А. Иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни такомиллаштириш: Докторлик диссертацияси автореферати. – Тошкент. 2016 й. – 110.; Кабулов Р., Отажонов А. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар: Ўқув қўлланма / .– Тошкент. 2013 й. – Б. 115.
 17. Ўзбекистон Республика Олий суди Пленумининг 2013 йил 6 сентябрдаги 18-сонли “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 3(1)-сон, 31-модда.
 18. Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Муаллифлар жамоаси. –Т., Адолат. 2009. – Б. 206.
 19. Безбородов Д. А. Методологические основы учения об уголовной ответственности за совместное преступное деяние: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – СПб., 2012.
 20. Шубина В. Ю. Институт пособничества в совершении преступления: уголовно-правовой и криминологический аспекты: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Краснодар, 2012.; Агапов П. В. Основы противодействия организованной преступной деятельности: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – М., 2013;
 21. Отажонов А. Иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни такомиллаштириш: Докторлик диссертацияси автореферати. – Тошкент. 2016 й. – 110.